

Шавкий (тахаллуси; асл исм-шарифи Мулла Шамси мулла Хусан ўгли) (1805— хозирги Тўрақўрган тумани — 1889) — шоир, тарихчи. «Девон»ида ўзбек ва форс тилидаги шеърлари жамланган бўлиб, уларнинг асосий қисмини ўзбек тилидаги шеърлари ташкил қилади. Шавкийнинг асарлари мумтоз шеърӣ жанрлар: газал, мухаммас, маснавийлардан иборат. Шоир асарлари («Паришонлар», «Бир гули раъно», "«Зебо», «Ишк сайли» ва б.) нинг асосий мавзуси диний-тасаввуфӣ ва лирик мазмунда. Шу билан бирга девонда ижтимоӣ ва тарихӣ мавзуга бағишланган мухаммас ва маснавийлар ҳам учрайди. Уларда чор Россиясининг Туркистонни, хусусан, Кўкон хонлигини босиб олиш воқеалари шеърӣ мисраларда тасвирланган. Унинг муборак хаж зиёрати давомидаги таассуротлари акс этган шеърӣ асарлари 20-аср бошларида Тошкент литографияларида чоп этилган.

«Жомеъ улхаводис» («Ходисалар жамланмаси»), «Жангномаи Худоёрхон», «Тарихи Хўқанд», «Пандномаи Худоёрхон» каби тарихӣ дostonлари, асосан, 19-аср 2-ярмида Кўкон хонлигида юз берган кипчокдар кўзголови воқеаларига бағишланган. Бу дostonлар Худоёрхон давридаги ижтимоӣ-сиёсий воқеаларни, турли табақа вакилларининг ўзаро муносабатларини ўрганишда ахамиятлидир. Шавкийнинг «Девони Шавкий», «Жомеъ ул-хаводис» асарлари Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сакланади.

ГАЗАЛЛАР

* * *

Жахон обод айлар ул париваш хусни гулзори,
Икки ҳам кошларини гўшасида чашми хуммори.

Икки наврас ниҳоли, лаъли шакар, орази зебо,
Кўрарга бас ажойиб нарх ўлубдур хусн бозори

Кўзи жоду, юзи гул, сарв комат, лаблари шаккаг
Мунаввар айлагай олам юзини хусн дийдори.

Ярошнб сарвдек коматга нозик жомаи гулгун,
Жамолин бир тамошо қилгали олам гирифтори.

Латофат қони ул ширин, малохат гамзаси хунхор,
Жахон сахннга т.ушган хури жаннатни намудори.

Бу шаклу, бу латофат, мунча раънолик ажойибким
Жахонга фитна солмиш шеваи ноз ила рафтори.

Хамиша нозанинлар васфида гуфтор этар Шавкий,
На хушдур хар кишини бўлса бу суратли дилдори.

* * *

Жоно, жамолингни кўриб, жононлар айтур офарин,
Ўз кўксига ўзи уриб, ёронлар айтур офарин.

Кадди ниҳолингга караб, абру камолингга караб,
Шохо, висолингга караб, султонлар айтур офарин.

Булбул санга нолон ўлиб, кумри ажаб хайрон ўлиб,
Тўти кўриб гирён ўлиб, хушхонлар айтур офарин.

Лутфу карам хонлар берур, дўст дўстига нонлар берур,
Лаъли лабинг жонлар берур, ўлганлар айтур офарин.

Ишкингда кўп оворалар, борсун каён бечоралар,
Хуснинг аро парвоналар, куйганлар айтур офарин.

Ёр келса махбубинг бўлиб, бир неча маъшукинг бўлиб,
Мезбон дуогўйинг бўлиб, мехмонлар айтур офарин,

Шавкий кулингни додига, тун кечалар фарёдига
Тахсин этиб абётига, жононлар айтур офарин.

МУСТАЗОД

Давлат тиласанг ҳақдин адаб риштасин ушла,
давлат анга пайванд,
Ҳеч зийнат эмас сурати зебога адабча,
тарк айлама зинхор.
Аҳдингни бузуб кавлингга ёлгон сухан олма
хурмат талаб эрсанг,
Бўлмас бу иков аҳли малоҳат зарифига,
албатта сазовор.
Гар Шавкий сўзи келса малол сенга, аё мах,
андин хазар этма,
Харчанд агар талхдур, анга амал айла,
мазмунида сўз бор.

«ПАНДНОМАИ ХУДОЁРХОН»

(Кискартириб олннди)

Уни ёш ого, дердилар, Маллахон,
Насихат килур эрдилар хар замон.

Бу хон ака гамин ер эрдилар,
Фасих тил била гохи дер эрдилар

Унга, бу насихатни дарк айлагил,
Бу бачкана ишларни тарк айлагил.

Эрур шах иши элга дамсозлик,
Муносиб эмас хонга сагбозлик.

Каён борди бу сандаги акли хуш,
Егай хар итинг кунда бир нимта гўшт.

Таажжуб сени элга бу килмишинг,
Муносибми сенга бу килган ишинг.

Неча сафшикан эр баходир йигит,
Булар барча оч бўлса, тўк бўлса ит.

Бу на хон ишидур, бу на килгонинг,
Бериб от, бокасин ит олгонинг.

Эрур шах каноти йигит бирла от,
Агар хон эсанг кил ани эхтиёт.

Бу беҳуда иш хон ишидин эмас,
Хушомад эли санга бу сўз демас.

Кошингга келиб бир неча ахли жох,
Бори ўзларин кўрсатур некхох.

Ўзин хйллалар бирла айлаб қариб,
Бериб сенга хар куни юз фириб.

Сени бу маишатга магрур этиб,
Бори аждаходек ўзин зўр этиб.

Хукуматга атрофин кўл солиб,
Еб-ичиб, бори олгонча олиб.

Бориб хукм ишини килиб поймол,
Буларга гараз эса бир текса мол.

Бўлибсан шикору ўйин бирла гарк,
Билиб килмадинг дўсту душманни фарк.

Киши жон чекиб килса хизмат агар,

Аярму анингдин киши молу зар.

Кўриб хизмат инъомини килмасанг,
Чопон кадрича жонини кўрмасанг.

Киши арзи бўлса олдингда сўр,
Хар ишни ўзинг кил, кўзинг бирла кўр.

Бу янглиг ишинг бўлса анжом кил,
Сипах жабдугини саранжом кил.

Бу янглиг насихат, бу янглиг рама,
Неча десалар ёкмас эрди, сўзлама.

«ЖАМЕЪУЛ ХАВОДИС»

(Достондан парча)

Занбаракчи юборди уч ўкни,
Билмади сўнгра бор ила йўкни.

Бир йўла барча кўйди ул дам от,
Икки ёндин солиштилар: «Хайхот!»

Эр йигитларнинг гайрати кайнаб,
Турмади эмди отлари ўйнаб.

Бўлди якбораки, уруш каттик,
Кўп синиб найзалар, уюлиб тиг.

Гарм бўлди ўлумни бозори,
Расули мавт ўлуб харидори.

Сув киби эл кони тўкилмоглик,
Танларидан бош сўкилмоглик.

Ўтлашуб, тишлашуб олишмоқдур,
Рўбарў келса ким солишмоқдур.

Барчаси бир-бирин суриб хар ён,
Баъзи жон вахмидин бўлуб хайрон

Ким кочиб, ким кувар билолмаслар,
Гард ила бир-бирин кўролмаслар,

Сой тоши сонича кесиб бошни,

Кайда фарк айлагай кари-ёшни. '

Ким кишлокни, отни олгон ким,
Кип-кизил конига б'ёлгон ким.

Кимсани захмидин окиб кони,/
Кийналиб чикмайин биров жбни.

Гох 'нгдин сурулдилар с'лга,
Гох с'лдин сурилдилар 'нгга.

Ул куни бул сифат эрди доим,
Б'лди, г'ё киёмат койим.

Кимни богида бош к'тарса терак,
Дер эди: «Кес, йикит, бу бизга керак».

Элга санги жафони оттилар,
Сувни дехкон элига соттилар.

Ба'зиси ани бутмаган эрди,
Сув бахосидин 'тмаган эрди.

Зулм эл магзидин 'тти,
Устихонга пичок бориб етти.